

**ЛОЙИХА -СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 954**

Фаргона шаҳри

2022 йил “5” март

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «OPTIMAL ARCHITECT GROUP» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Э.Б.Чориев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### **1.Шартнома предмети**

1.1.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Фаргона вилояти Бешарик тумани “Чимбой” МФЙ**даги 9-сонли мактаб филиалини ( 220 ўқ.ўрин 12x24 спортзал) реконструкция қилиш учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **2.Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «5» март кунги танлов ҳайъати йиғилишининг баёнига асосан жорий нархларда **93 000 000 (тўқсон уч миллион)** сўмни шу жумладан кўшимча қиймат солиги 15% - 12 130 435 сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш муддати Буюртмачи томонидан аванс маблағлари амалга оширилгандан кейин 25 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “28” ~~асад~~ да буюртмачига тўлиқ топширилади, бундан тегишли ташкилотлардан экспертиза хulosасини олишга сарфланадиган муддат мустасно.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **3.Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### **4.Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи куйидаги мажбуриятларни ўз бўйнига олади:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишилар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишиларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

## 5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

- 5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишилар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.
- 5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишилар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишилар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## 6.Ишиларни бажариш

- 6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишиларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишилаб чикилишини назорат килади, бажариладиган ишилар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишилар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишиларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради. Шунингдек, пудратчи белгиланган лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун субпудратчи(лар)ни жалб қилиши мумкин.

## 7.Ишиларни топшириш ва қабул қилиш

- 7.1. Пудратчи ёки субпудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадирилари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағаликни кисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ёки субпудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласди. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишилар бажарилмаган ҳисобланади.

- 7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласди. Пудратчи ёки субпудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласди.

## 8. Енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

- 8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

## 9. Кафолатлар

### 9.1. Пудратчи:

-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

9.2. Буюртмачи 22.04.2021 йилдаги 684-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, etender.uzex.uz електрон сайтида ўзи келтириб ўтган муддат ( 120 банк куни) да пудратчига бажарилган иш учун тўлиқ тўловни амалга оширишини кафолатлади.

## 10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим боскичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи ёки субпудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари (қонун билан асосланган ва тегишли исботланган) борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи ёки субпудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади, бундан лозим даражада бажарилмаган қидиув ишлари натижасида юзага келган камчиликлар мустасно. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи ёки субпудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганилиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечитирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш буйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида обьектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда ва ушбу камчиликлар тегишли ҳужжатлар билан асосланганда Пудратчи ёки субпудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ заар тўлигича Пудратчи ёки субпудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4.1.Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлашда пудратчи томонидан шартнома шартларини бажариш, жумладан ишни ўз вақтида буюртмачига топширишнинг кечикирилиши буюртмачининг айби билан содир бўлган тақдирда, пудратчи жавобгар хисобланмайди.

10.4.2 Асосиз рад етиш ёки алоҳида босқичлар ёки умуман иш натижаларини ўз вақтида қабул килмаганлик учун Буюртмачи ўз вақтида олинмаган сўров натижалари қийматининг 5 фоизи микдорида пудратчига жарима тўлайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёrlари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблаг олуви ташкилот хисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблаг ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблаг ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

10.10. Томонлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 654, 695-моддаларига мувофиқ шартнома предметига, унинг бажарилишининг боришига ва олинган натижаларга доир маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши шарт.

## **11.Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар**

11.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## **12.Низоларни ҳал қилиш**

12.1. Мазкур шартномани тузиш, ижро етиш, ўзгаришиш ва бекор қилиш чоғида томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек етказилган заарнинг ўрнини қопладиган низолар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли суди томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асослардаги кўриб чиқилади.

## **13.Шартномани бекор қилиш**

13.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июляга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини

ишлиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2.Ўзбекистон Республикаси Иктисадий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлиб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3.Пудратчи пурдат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

#### 14.Алоҳида шартлар.

14.1.Мазкур шартнома Фаргона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди.Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

#### 15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

##### БУЮРТМАЧИ:

**ФАРГОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**  
«КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА  
БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»

Манзил: Фаргона ш. Темирйўл к. 37 уй  
Тел./факс: 224-52-24  
шрх: 100021/8603045170 96534015003  
СТИР: 204 816 336 ОКЭД-70220  
Фаргона вилояти бўйича Фазначилик  
бошқармаси  
**ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010**  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг  
СТИР: 201 122 919



Рахбар:  
М.У.  
Х.Долимов  
Хукукшунос:

##### ПУДРАТЧИ:

**“OPTIMAL ARCHITECT GROUP”**  
масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Тошкент ш. Яккасарой т-и,  
Кушбеги, 23 уй, 49 ҳонадон  
Электрон почта манзили:  
oag\_tashkenta@mail.ru  
Телефон: +998 93 386-74-44  
Банк номи: АТ «Aloqabank», Бош офис;  
Шайхантохур тумани, Хувайдо кўч, №14 уй, 10  
ҳонадон,  
р/с:20208000305284571001. МФО:00401.  
СТИР:307759386.



Рахбар:  
М.У.  
Э.Б.Чориев  
Хукукшунос: